

«Ҳосил—89»: ўзаро текшириш

ҲАМКОРЛИКДА ИШЛАГАН ЮТАДИ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ЎЗАРО ТЕКШИРИШ БРИГАДАСИ АЪЗОЛАРИ МУСОБАҚАДОШ СИРДАРЕ ОБЛАСТИ ДАЛАЛАРИДА, ЧОРВАЧИЛИК ФЕРМАЛАРИДА ВА БОҒ-РОҒЛАРИДА БЎЛИБ ҚАЙТДИЛАР



● ОРЖОНИКИДЗЕ районининг ўзаро текшириш бригадаси аъзолари мусобақадор Сирдарё областининг «Пахтакор» районини дала-ларида бўлиб, деҳқонларнинг ишлари билан атрофлича танишдилар. Суратда: (чапдан) Оржоникидзе районидagi раис Эркин Раҳматов, «Пахтакор» районидagi «Самарқанд» совхозини эвеноси бошлиғи Анорбой Эшматов, шу совхоз директори Ниязқул Туробов ҳамда «Кибрай» агрокомбинати бош директори Миржало Мирмақсудов ўртоқлар ҳосил қўнига куз-лан кечирмоқдалар.

Суратчи У. ҚУШОВОҚОВ.

ОДАТДА бундай учрашу-лар оддий мулоқотдан, ай-рим камчилик ёки нуқсон-ларни аниқлаб қорғога қай-ди қилишдан иборат бўлиб қо-ларди. Лекин бу йил Сир-дарёга ташириш буюрган об-ластининг вакиллари бу усул-дан воз кечишди. Асосий мақсад кўпроқ сирдарёлик пахтакорлар, чорвадорлар ва бошқа қишлоқ хўжалик меҳ-натқилларининг мўл ҳосил етиштиришдаги илгор тажри-баларини чуқур ўрганишга қаратилди.

Дарҳақиқат вакилларимиз областда барча соҳада ўр-ғана, қўллана арийдиган бир қатор илгор тажриба-ларни кўришди. Биргина Сир-дарё районидagi «Ленин-град» колхозини олиб кўрай-лик. Бу колхозга 41 йилдан буюн Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутаты Қўзибоқар Синдоров бошчи-лиқ қилиб келади. Колхоз ҳар йили қишлоқ хўжалиги-нинг ўзидан ўртача 11 мил-лион сўм даромад олмақда. Бунинг 3 миллион сўмини сўф фондга ташкил этади.

Хўжаликда энг муҳими инсон омилига катта эътибор берилаётганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Йилга социал, маданий-маиший об-ектлар қуриш, меҳнатқиллар-нинг турмуш фаровонлигини ошириш бориш учун икки миллион сўмдан ортиқ маб-лағ сарфланмоқда. Бу ерда уй-жой масаласи ҳал этила-нига бир неча йил бўлди.

Мусобақадорлар, айниқса, колхоз теплица хўжалигида амалга оширилаётган ишлар-ни кўриб хурсанд бўлишди. Колхозда «ойнаванг дала»-ларнинг гектаридан йилга ўртача 55—56 тоннадан ли-мон, ҳар квадрат метридан 18—21 килограммдан саб-завот ва кўкатлар олиноқмоқ-да. Оқик майдонларга экилган сабзавот, полиз экинлари ҳосилдорлиги 450 центнерни ташкил этмоқда.

Асосий экин — пахтазор-ларда амалга оширилаётган ишлар ҳам иборатлидир. Кол-лектив аъзолари 1989 йилда 2700 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 38 центнердан ҳам ашё йиғиштириб олишга аҳд қилишган. Агар йилнинг

нихоятда оғир келганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу ҳақил гап эмас. Ҳақим Али-мов, Шарифқон Деҳқонов ўртоқлар бошчилиги қилаётган эвенос ва бригадаларнинг аъ-золари аса 41 центнерлик мйррани қўламоқдалар. Тан олиш керак, ишлови ўз вақ-тида қилинган, суви оби-то-бида қўйилган гўзаларнинг ҳар бириди ҳозирнинг ўзида-ёқ 6—7 тадан бўлиқ қўсак санаиш мумкин.

Сафар давомида облас-тининг вакиллари кўпроқ пах-такорларнинг иши, гўзалар-нинг аҳоли билан қизиқдилар. Бу бежиз эмас. Биринчидан, Сирдарё республикасида энг кўп пахта берадиган об-ластининг бири. Иккинчи-дан, бу ерда тажрибали пах-та усталари меҳнат қили-шади.

Мусобақадорлар Вороши-лов, Мирзақул ва бошқа бир қатор районларда меҳнатни ташкил этишнинг илгор усуллари дадил жорий эти-лаётганлигини, бу борада кенг оммалаштириш лозим бўлган тажрибаларни кўри-дилар.

Кишиларнинг меҳнатга бўлган мусоабатининг ўзар-ганлигини даладаги ҳолат кўрсатиб турибди. — дейди ўзаро текшириш бригадаси аъзоси, Тошкент обла-стига расаноат комитетининг бў-лим мудирин С. Маҳсумов, — Масалан, Мирзақул райони-даги С. Сегизбоев номили совхозда деҳқончиликда кооперация усули катта самара-лар келтираётганлигини кўр-дик. Айниқса, менда хўжа-ликнинг Алиқон Қўнишев бошчилиги қилаётган брига-да деҳқонларнинг иш катта тасассурот қолдирди. 48 гек-тар майдонга биринчи мар-та пахтагини «С—65—24» навиини экиб ишловчи маро-нига етказишди. Ҳар гўп гўзала 11—12 тадан бўлиқ қўсак мана-ман деб турибди. Пахтакорлар гектаридан 40 центнердан хирмон кўтариш-ни ният қилаётганлигини айтишди. Худди шундай пах-та парварининг ўрнига қўй-ётган деҳқонларни бошқа районларда ҳам кўп учра-дик.

Бу йил гўзаларни ривож-и ўтган йилларга нисбатан

15—20 кун орқадилги ҳама-га маълум. Бу ўз-ўзидан ҳар бир агротехника тадби-рини вақтида, сифатли ўт-қанини талаб қилади. Мусо-бақадорлар ютуқлар билан биргаликда бу борада йўл қўй-идаётган камчиликлар ҳам борлигини кўрсатиб ўтишди. — Илгир районидagi бир қатор хўжаликларда, брига-даларда пахтадан мўл ҳосил тулланаётганлигининг гувоҳи бўлидик, — дейди Ўрта Чир-чиқ районидagi А. Икромов номили колхоз раиси К. Шо-киров, — Лекин «Правда», Титов номи, «Октябрь 60-йиллиги» совхозларида ри-вождан орқда қолаётган майдонлар кўп. Ўзга пар-варчи одамлар тўлиқ ҳа-қлар этилимапти. Волков номили совхозда аса гўзала зарарқунда ҳашаротлар тушган қаргаларни учра-дик. Бу камчиликларни бар-тараф этиш юзасидан масла-ҳатлар бердик. Лекин ҳама-гап уни тезроқ йўқотишда-дир.

Оқ олтин, Илгир районла-рида гўзаларни ўт босган майдонлар бор. Бошқа бир қатор колхоз ва совхозларда гўзални сугоришда, чеканка қилишда, культивация ўт-қанишда камчиликларга йўл қўйилмоқда. Мулоқот даво-сида мусобақадорлар ана шу агротехника тадбирларини ўтказиш бўйича ҳам ўз мас-лаҳатларини, фикр-мулоҳаза-ларини билдирдилар.

Ҳозирги кунда энг муҳим ишлардан ани бири қишлоқ-га ем-хашак жамғаришдир. Бу йил областда оҳиёеж учун 472,6 минг тонна дағал ха-шак тайёрлангани керак. Амалда бу топшириқ 66,4 процентга бажарилди. Бу борада ҳам барчага иборат бўладиган хўжаликлар талай-гана. Масалан, Сирдарё рай-онидagi «Малик» совхозиди-га ҳар йили безазорларда ками-да олти ўртим ўтказилиб, 180—200 центнердан пи-чан олиноқмоқда. Силос учун экилган маккажўхори ҳосил-дорлиги 500 центнердан ош-моқда.

Афсуски, областда мана шундай илгорларнинг тажри-баси сўст оммалаштирилмоқ-да. Жумладан, Октябрь, Во-рошилов, Ўстеллик, Ховос районларида эндигина йил-

лик планининг 42—50 про-центи миқдорда дағал озунка тайёрланган. Энг муҳими бир қатор хўжаликларда ма-жуд имкониятлар бой бе-рилмоқда.

Силос тайёрлашда ҳам сустаклинига йўл қўйилмоқ-да. Бу ишга алақадор ки-ришилган бир пайтда Оқ ол-тин, Бахмали, Мирзақул, Зо-мин районларида бир кило-грамм ҳам силос бостирил-маган.

Мусобақадорлар ҳар ва тоқзорлардаги ишлар, улар-нинг парвариши, сабабот, полиз экинлари ҳосилини йи-ғиштириб олишнинг аҳоли билан ҳам танишдилар. Айни кунларда боғ ва тоқзорлар-да ўтказилиш лозим бўлган агротехника тадбирлари ҳа-қида маслаҳатлашдилар.

Пахта йиғим-теримига тайёргарлиқни ҳозирдан оқ-куяйтириш лозим. Сирдарё областиди Янги-Йилга ма-шину терими саломини оли-ришга ҳаракат қилинмоқда. Ўтган йили ҳар бир машина ердамида ўртача 78 тонна-дан ҳам ашё териб олинди. 1989 йилда бу натижани 100 тоннага етказиш режалашти-рилган. Бунга айти кунлар даёқ пухта амин яратиш, техника ремонтини пухта ўт-қаниш керак. Мусобақадор-лар, колхоз-совхозларда те-хника ремонтининг — бориши билан ҳам қизиқдилар. Ҳо-зирача бу иш орқда қолаёт-ганлиги, уни бартараф этиш учун барча имкониятларни ишга солиш кераклиги таъ-кидланди.

Август — ҳосил тулплаш-да ҳал қилувчи палла. Бу йил-ги шарафатда гўза қатор ора-ларига ишлов беришни, су-горишни 10 сентябргача ту-ла қувват билан давом этти-риш, айти кунларда бутун ишчи кучларини, техникани ишга сафарбар этиш керак. Фақат ана шундай фидокоро-на меҳнат билан даладарда мўл ва ерғак пахта етишти-рилади. Ўзаро текшириш бригадалари аъзоларининг йўқовидан йиғилишда ана шу сўзлар кўп таъкидланди. Бу ҳар инкала област деҳ-қонларига ҳам тегишли гап-лардир.

Ф. МУХИДДИНОВ, «Тошкент ҳақиқати»-нинг махсус мухбири.

СЎЙНАМАН УМИД...

..Яқинда бир асрдан зиёд умр кўрган онахон билан суҳбатлашдик. Бизни бу аёлнинг сермазун умр йўли ан-чайин қизиқтириб қолган бўлса-да, аммо унинг мана сал-кам ярим асрдан бери урушга кетиб қайтмаган нурийдла-лари йўлини кўзи тўрт бўлиб пойлаётгани ҳамда инти-қ бўлиб кутаётгани ниҳоятда тўққилантирди. Ҳа, одамлар-мизнинг қалби дарё. Улар ҳаётда ҳеч нарсага бепарво эмас. Ҳамина нимагадир умидвор бўлиб ишашади. Исла-нишдан, куттишдан чарчашмайди.

Редакциямизнинг ҳарбий ватанпарварлик жамоатчи бў-лимига кўллаб хатлар келиб туради. Уларнинг муаллиф-лари ўзлари танган, билган одамларнинг уруш йиллари-даги матонатлари ҳақида, собиқ жангчиларнинг бутунги тинч-фаровон ҳаётдаги ижтимоий фаолиятлари ҳақида ёзиб юбормоқдалар. Улар орасида Улуғ Ватан уруши йил-ларида мамлакатимизнинг турли шаҳар ва районлари учун олиб борилган жангларда ҳалок бўлиб, маълум аҳоли пунктларида дафн этилган офицер ва солдатлар рўйхат-лари кўрсатилган мактублар ҳам бор. Биз бундай хатлар-нинг газета саҳифаларида мунтазам эълон қилиб турибмиз. Натижада кўпгина газетхонларимиз ҳанузгача тақдирини номаълум бўлиб келаётган ўз яқинлари ҳақида оғина бўл-сада, маълумот олмақдалар. Узоқ йиллардаги маълумлик-дан сўнг олинган бундай хабарларга одамларнинг қандай мусоабатда бўлаётганликларини бир сўз билан ифода этиш қийин.

Газетхонларимиз ўз мактубларига жамоатчи бўлимга, унинг ақил мухбирларига ва бошқа авторларга миннат-дорчилик билдирмоқдалар. Шу билан бирга бирор яқинла-рини излаб топишда кўмак беришни сўраб ёзилган хатлар ҳам жамон келиб турибди.

«Отамина Аллалук Худойқулов 1941 йил ноябрь ойида фронтга кетган ва немис-фашист босқинчиларига қарши жангларда қатнашиб, яраданганини айтиш билмазим. Ота-миздан охириги хатини 1945 йил январь ойида олган эдик. Орадан кўп вақт ўтмай, унинг иккинчи даражали Ватан уруши ордени билан мукофотлангани тўғрисидаги вақтин-чалик гувоҳнома оламизга топширилди. Лекин унинг тақ-дирини бизга номаълум эди», — деб ёзди оҳангаронлик Парда Алақулов.

Бу оила аъзолари 1988 йил 28 сентябрь кунин «Тош-кент ҳақиқати» газетасида эълон қилинган «Уч полк жанг-чилари» мақоласини ўқиб, беҳад қувонганликларини, қирқ беш йилдан бери ном-йишносиз кетган оталарни ҳақиқатан хабар ва унинг 1945 йил 5 февралда Шарқий Пруссияда

ҳалок бўлгани ва ўша ерда дафн этилгани ҳақидаги маълумотларга эга бўлишдаги ёрдамлари учун тазега ва ма-қола муаллифига миннатдорчилик изҳор эттишган. Энди-ликда аса фарзандлик бурчларини адо этиб, ота қадрини эиёрат этишини ният қилганликларини ёзиб юборишган.

Албатта, бундай дил сўзлари битилган мактублар қан-чалик кўп бўлса, шунчалик саз бўларди. Афсуски, излаш, қидирув ишлари шунчалик машаққатли, бунинг сўз билан ифодаб б бўлмайди. Лекин, ўқиб қалблар нидосини ҳа-миша жон қулоғи билан тингилайдиган кекса ветеран жур-налист Мажид Самадов, «Прометей» қидирув клубининг раҳбари Зарифа Эшмирова ва унинг аъзолари каби кўп-лаб жонқуярлар бор экан, бу хайрли ишлар ҳеч қачон жа-вобсиз қолмайди. Фақат бизга мактуб йўллаган ўртоқлар имкони борида ўз яқинлари ҳақидаги аниқ маълумотлар-нинг ёзиб юборишга бўлгани, Сиз излаётган одамларнинг-нинг сўнгги мактублари қайси шаҳардан келгани, урушга қачон ва қаредан кетгани ҳақидаги маълумотларни қанча-лик ишчи-пухта сўраб-суриштирсангиз, — бу олижаноб ишчи йўқлашга жазм этган саҳоватли кишилар олиб бо-раётган текшириш, излашни ишларига баҳарна ёрдам бў-лур эди.

Шу ўринда редакцияга яқин вақтлар ичиди келган хат-лар билан таништириб ўтсак. Жумладан, тошкентлик М. ШАМСИЕВА 1939 йил ҳарбий хизматга қақрилиб, сўнгги хатини 1941 йил Кремленук шаҳридан жуғатган акаси Мажид Шамсиев ҳақида маълумот беришимизни, Бекбова район Ойбек номили совхозда истикомат қилувчи М. ТУРАЕВА асли Самарқанд обла-сти Нурота район Са-рак қишлоқидан Ватан ҳимосига отланган отаси Курдош Муродовни фарзандларга қамон интиқ бўлиб куттишга-тини, шунингдек, Ўрта Чирчиқ районидан У. ПУЛТАОВА қайнопаси Пулат Мунинов, С. СОАТОВ отаси Соат Хўжа-назаров, Бўна районидан Ш. ҚОДИРОВ тоғаси Қарим Уи-бетов, Ангрен шаҳридан Р. АХМЕДОВА отаси Аҳмед Ха-ламетов, Янгийўз шаҳар «Гулбаҳор» посёлакдаги истик-комат қилувчи М. БЕКМЕТОВА амакилари Оллоберган ва Худойберган Қосимовлар, пискентлик М. ЭШОНҚУЛО-ВА тоғаси Нигматулло Нитоев ҳақида бирон бир маъл-умот беришимизни илтимос қилиб мактуб йўллаган. Биз бу хатларни «Прометей» қидирув клубига топширдик. Ўғайимизни, излашни ўз самарасини беради.

ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК БЎЛИМИ.

ҚИШЛОҚ ҚОРХОНАСИДАН ХАБАРЛАР

ПАХТАКОРЛАРГА МАДАДКОРЛАР

● ОҚЎРҒОНДАГИ ре-монт ишлаб чиғариш қорхо-наси коллективни зиммасига масъулиятли вазифа юкла-тилган. Ишчи-хизматчилар турли хил қишлоқ хўжалик машиналарини ремонт қилиш билан шугулланади. Пахтачи-ликда ишлатиладиган барча агрегатлар улар қўлида қай-та тикланади. Шунинг учун ҳам ремонтчиларни пахта-корларнинг мададкорлари деб бекиз айтишмайд.

Йил бошидан бери 350дан ортиқ пахта териш машина-си, салкам 100 та кўрак те-

собекада голиб чиққанлар 50 сўмгача пул билан тақдир-ланмоқдалар.

Йил бошидан бери ўнлаб ремонтчилар шундай тақдир-ларга сазовор бўлишди. Улар орасида Тойир Камо-лов, Султон Оққулов, Аҳмад Валиев, Виктор Закутнев ва бошқалар бор. Илгорлар то-пириқларини доимо ортиги билан бажармоқдалар. Шу кунларда аса сентябрь ойи ҳисобига меҳнат қилмоқда-лар.

МУСОБАҚА

ПЕШҚАДАМЛАРИ

● ҚОРХОНАДА соци-алистик мусобақани ташкил этиш тобора тақомиллашмоқ-да. Унинг янги-янги шаклла-ри жорий этиляпти. Илгор-ларни рағбатлантириш учун кўма иммеплар, пул муко-фотлари, фахрий ёрлиқлар таъсис этилган. Шахсий му-

РАЦИОНАЛИЗАТОРЛАР

ҲИССАСИ

● ҚОРХОНА ишлаб чиқа-риш новаторлари йил даво-мида камин билан ўн минг сўмлик иқтисодий самара берадиган янгиликларни жо-дир қилиш юзасидан зимма-ларига олган мажбуриятла-рини муваффақиятли уйда-лашмоқда. Шу кунгача улар-нинг тақдирларини амалга оширишдан қўрилган иқтисо-

диди самара етти ярим минг сўмин ташкил этди. Новаторларнинг ташаббус-и билан ишлайдиган борабани ўқини тўғрिलाётган стейд ташкил этилди. Улар тўсунли қранлар ўрнатганини осон ва арзон усулини жорий этиш-ди. Биргина шу тақдирлар туғайли 5200 сўм тежаб қолди. Рационализаторлар-дан Баҳодир Маннопов, Бо-рис Шевцев, Рашид Қурбо-нов, Жумабой Абдуловлар қатор тақдирларнинг автор-лари ҳисобланишади.

У. МУҲАМЕДОВ.

самарадорлиги учун

АСОСИЙ ВОСИТАСИ

ги кунларда пропагандачилар семинар машғулотларини мунозар, давра суҳбати, ва баҳс сифатида ўтказадилар, яъни лек-ция машғулотига олганлар назарий билим ни меҳнат коллективининг амалий вазифа-лари билан боғлайдилар. Мазкур туркум тингловчиларнинг заҳат ва иштиқос то-пириқлари билан нисохисга етади. Улар-га тўрт баали система бўйича баҳо қўй-илади.

Уқувнинг мазкур кўриниши сиёсий ўқу-нинг услубини, манткини қайта қуриш за-рур эканлигини кўрсатди. В. И. Ленин но-мидаги Тошкент Давлат университети, Ни-зомий номидagi Тошкент Давлат педаго-гика институтини, республика рус тили ва адабиёти институтини ва бошқа олий ўқув юртиларининг илмий даражага эга бўлган айрим педагоглари ўқиган лекциялар ҳа-қида тингловчилардан эътирозли мулоҳа-залар олинмаётган бир пайтда оддий про-пагандистларнинг лекциялари ҳақида нима ҳам деб бўлади. Эндиликда лекцияларга эскича ёндашув маълум мулоҳазалар, де-лиллаларга асосланмаган ҳулосалар, камчи-ликларни айтиш, кескин масалаларни четтаб ўқиш ҳақиқатини рўй-рост айтмас-лик — буларнинг ҳаммаси тингловчилар-ни қонқитирмайди. Ошқоралик ва демок-ратиялаш шароитида тингловчилар машғу-лотларда умумий мулоҳазалар билан че-кланиш истиҳамийдир. Улар коллектив равишда фикр алмашишга, кўпгина маса-саларни кечиб берувчи чалкаш фикрлар-ни тартибга солишни, ошқора суҳбатга ин-тиляпти.

Область партия комитетидagi лекция сифатини ахшиллаш бўйича тадбирлар иш-лаб чиқилган кенгашларда, олий ўқув юртилари партия комитетларининг мажлис-ларида шу ҳақида атрофлича суҳбат бўлиб ўтди. Жумладан, сиёсий маориф уйи курс-нинг барча мазмунлари бўйича методик ишланмаларни тайёрлашти, унда машғу-

лотларни олиб боришнинг энг мақбул усулларига алоҳида ургу берилди. Шунингдек, турли-туман ахборот мате-риалларни, муаммолар, ҳаётий вазиятлар-нинг, саволларнинг бир неча вариантлари тавсия этилади, амалий ўқинларнинг сце-нарийлари, новатор ўқитувчи Шаталов усули бўйича лекцияларнинг таҳминий конспектлари тақлиф қилинади.

Хўш, эксперимент самарали бўлдики бунга умуман иккисий жавоб бериш мум-кин. «Правда Востока» ва «Ташкентская правда» газеталарида марксист-ленинча таълимин ташкил этишга янгича ёндашув муаммолари ҳақида олиб борилган баҳс ҳам шундан далолат берди.

Тингловчиларнинг ақиллиги ошди, улар ишлаб чиқаришда меҳнатни ташкил этиш-ни яхшилаш, жамоатчи уюшмалар фао-лиятини тақомиллаштиришга доир ўз му-лоҳазалари ва тақдирларини эркин ва тез-тез баён этадиган бўлиб қолдилар. У-ган йили меҳнат коллективларида сиёсий мактаб ва семинарлар тингловчиларнинг 900 дан зиёд гоилари муҳокама қилинди, шулардан учдан бир қисми амалга оши-рилди.

Коммунистларнинг қўличилиги ўқувнинг янги формасини юқори баҳоламоқдалар. Масалан, Охангарон районидagi сиёсий мактаб тингловчиси «Стройластмас» комбинатининг инженер-механиги Р. Ори-пов шундай фикр билдирди: «Эксперимент-менинг сиёсий машғулотлар тўғрисидаги тасаввуруларимни тубдан ўзгарттириб юбор-ди. Ҳозир машғулотларга ўз ҳошимин бил-лан бориб, уларда фаол қатнашаман, ама-лий топириқларни бажонудил бажара-ман» Бекободаги «Ўзбекметаллург-строй» трести инженерини Н. Н. Малайин, ушбу шаҳар стоматология поликлиникаси катта медицина ҳамшираси Л. С. Расино-ва, Ўзбекистон металлургия заводи ца-х бошлигининг ёрдамчиси В. А. Жақимов ва

бошқалар ҳам ана шундай иккисий фикрлар билдирдилар.

Тажриба босқинчи орда қолдирган сиёсий маорифнинг янги системаси бу йил областнинг барча шаҳар ва районларини қамраб олди. Аммо унда иштирок этиш-этимаслигини таллаш қўқуқ бўлганлиги пар-тия ташкилотлари иштирокида қолмоқда. Мазкур ўқув йилида сиёсий мактаб ва семинарларнинг учдан бир қисми таъ-лимнинг янги кўринишига ўтди. Уларда 41 минг нафардан зиёд тингловчи иштирок этапти. Олий ўқув юртиларининг ижтимоий фанлар ўқитувчиларидан ташқари Ўзбекис-тон ССР Фанлар академиясининг илмий тадқиқот институтларидан олим ва мута-хассислар — жамъи 367 киши жалб этил-ди.

Поток аудиторларидagi даярлик барча лекция машғулотларида партия, совет хо-димлари, хўжалик раҳбарлари иштирок этишляпти. Шунинг таъкидлаш керакини, улар шунчаки текширувчи сифатида эмас, балки машғулотларнинг фаол иштирокчиларидир. Олимларнинг назарий ҳулосалари муайян амалий вазифаларга қўйилганлигида, бу де-мак машғулотларни коллективни пропаган-да» тарзида ўтказишдек янгича ёнда-шув ажузгадек келяпти. Бунда аппаратнинг масъул ходимлари, область партия коми-тетининг секретарлари намуна бўлишляпти. Улар ҳар сешанба кунини областнинг бош-ланғич партия ташкилотларидаги машғу-лотларда бўлишляпти.

Энг муҳими машғулотларини ўтказиш-нинг янгича кўриниши қандайдир қотиб қолган бир нарсга эмас, у мунтазам тақо-миллашиб бораёпти. Масалан, Ангрен шаҳрида 19 поток аудиторига фаолият кўр-сатиб турибди. Шаҳар Тошкентдан анчаги-на олинсада жойлашган, шунинг учун оли-мларни етказиб олиб бориш билан боғлиқ қийинчиликлар пайдо бўлди, айрим вақт-ларда улар ярим тунда қайтиб келишарди. Ана шунда 19 нафар олимнинг ҳаммасини бир кунда олиб боришнинг нима кераги бор, пухта тайёрланган тўрт нафарини бир ҳафтага олиб боришнинг ўзи етарли

эмасми, деган фикр тургиди. Ушбу тақ-лифни Ўзбекистон ССР Фанлар академия-си экономика институтининг ишлаб чиқа-риш кучларини ўрганиш бўйича кенгаши раҳбарияти қўллаб-қувватлади.

Олга томон ҳаракат ҳақида гапирар эканамиз, эътироф этиш керакини, марксист-ленинча ўқув системасини қайта қуриш ҳали оқсамод, сўст ҳаракат қияляпти айрим жойларда аса мутлақо олға босаёт-гани йўқ. Шу ўринда областдаги мураккаб маънавий-психологик муҳитни ҳисобга олиш зарур.

Жамоатчилик фикрини, сиёсий мактаб ва семинарларнинг тингловчилари сўр-валарини ўрганиш катта аҳамият касб этади. Масалан, биз кўпгина коммунистлар ва партиясиз фаоллар сиёсий маориф сис-темасидagi шу ўқув йили бутунлай XIX Бутунитифок партия конференцияси ма-териалларини ўрганишга бағишланган мақсул қўришларини аниқлашга муваффақ бўлидик.

Ҳар йили, ҳар бир коммунист Уставада кўзда тутилган вазифаларини қандай ба-жараётганлиги ҳақида ҳисобот бериб бо-риши лозим. Шунга қарамай сиёсий ўқув масалалари (партия аъзоси қандай ўқи-гани, машғулотларда қанчалик фаол қат-нашаётгани, назарий ва сиёсий машғулот-ларнинг нақадар чуқурлиги) коммунист фаолиятига баҳо беришнинг муҳим мезо-нига айлانган эмас.

Марксист-ленинча ўқув самарадорлигини ошириш кўп киралли муаммодир, уни ҳал этиш учун ҳам юқоридagi, ҳам қуйдаги барча манфаъдор кучларни сафарбар этиш, янгича ёндашувлар, дадил ечимлар, доимий излашни лозим. Ак ҳолда рас-мийчиликни тутатиб бўлмайди, ўқув жа-равининг сифатини тубдан оширишнинг, ҳар бир совет кишида назарияни ўрга-нишга, партия сиебатини англаб етишга муҳим аҳтиёжни шакллантиришнинг бошқа иложи йўқ.

С. ЯУЛДОШЕВА,

Тошкент область партия комитети сиё-сий маориф уйининг консультанти.

ТАДҚИҚОТГА АСОСЛАНИБ

ҚОҲИРА. Форс кўрфазидagi араб давлатлари ҳам-корлиги кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар аҳолиси-нинг умумий сонини 1990 йилга бориб, 20 миллион 159 минг кишига етади.

МЕНА ахборот агентлиги Баҳрайин марказий статисти-ка бошқармаси ўтказган тадқиқотга асосланиб, шу ҳақида хабар қилди. Ана шу фарзларга кўра, региондаги энг катта давлат — Саудия Арабистонда аҳолининг сонини қўлайи, 14 миллион 131 минг кишига етади. Кенгашта аъзо бўлган бошқа мамлакатларда: Баҳрайида 515 минг, Бирлашган Араб Амирликларида — 1 миллион 588 минг, Уммонда 1 миллион 468 минг, Кувайтда — 2 миллион 90 минг, Каттар

